



ҚАШҚАДАРЁДА БАРЧА СОҲАЛАРДА ВАЗИЯТ ТУБДАН ЎЗГАРИШИ КЕРАК



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев пандемия шароитига қарамай, иқтисодиётни тиклаш ва ривожлантириш, одамлар ҳаётини яхшилаш борасидаги ишлар билан танишиш мақсадида 12-13 ноябрь кунлари Қашқадарё вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташрифнинг иккинчи куни Қарши шаҳрида вилоят фаоллари, маҳаллий кенгаш депутатлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказди.

Тадбир бошида вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ҳолати танқидий таҳлил қилинди.

— Бу ерга келишимдан асосий мақсад — сизлар билан бирга ҳудуд ривожига кучли туртки бериш бўйича аниқ вазифа ва чора-тадбирларни белгилаб олиш. Қашқадарё ўзининг салоҳиятига мос яшамаяпти, мамлакатимизнинг кўпгина ҳудудларидан анча оққада, — деди давлат раҳбари.

Бу замин улкан имкониятларга эга. Лекин унинг иқтисодиёти ва ижтимоий соҳалар аҳоли бунга мутлақо мос эмас. Охириги 10 йил ичида вилоятнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 9,4 фоиздан 7,1 фоизга, саноатдаги улуши эса 11 фоиздан 6 фоизга тушиб кетган.

— Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот мамлакатимиздаги энг паст кўрсаткичлардан бири. Қашқадарё эли шунга муносибми? — дея савол қўйди Президент.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда илмий асос ва инновацион ёндашув йўқ, вилоят иқлим шароитига мос янги навлар яратилмаган. Ўтган йили пахта ҳосилдорлиги гектарига 19 центнерни ёки юртимиздаги энг қуйи кўрсаткични ташкил этган. Қишлоқ хўжалиги техникалари етишмайди. Маҳсулотларни қайта ишлаш даражаси ҳам паст.

Шавкат Мирзиёев ҳудуддаги ирригация ва мелиорация ҳолатини кескин танқид қилди. Нотўғри суғориш оқибатида ерларнинг 45 фоизи шўрланган.

Айниқса, бу борада Муборак, Ғузор, Нишон ва Косонда аҳвол жуда оғир. 38 минг гектар майдон фойдаланишдан чиқиб кетган. Томчилатиб суғориш жами суғориладиган майдоннинг бор-йўғи 2,4 фоизда жорий қилинган.

Аҳолининг ичимлик суви таъминоти вилоят бўйича 50 фоизни, хусусан, Косонда 26, Деҳқонobodда эса атиги 4 фоизни ташкил қилади. Қувурларнинг 60 фоизи таъмирталаб бўлиб қолган. Қарши шаҳрининг канализация тизими ҳам эскирган. Автомобиль йўлларининг 8 минг 700 километри яроқсиз ҳолга келган.

Таълим ва тиббиёт сифати масаласига тўхталиб ўтилди.

Вилоятнинг 88 мактабда “смена” кўрсаткичи юқори экани, бир неча мактаб филиали биноси пахсадан қурилгани кўрсатиб ўтилди. Қашқадарё ёшлари олий таълимга кириш кўрсаткичи бўйича мамлакатда 13-ўринда. Бу йил

191 та мактабнинг бирорта ҳам битирувчиси олий ўқув юртларига қира олмаган.

Тор соҳалар бўйича 257 та, бирламчи бўғинда 855 та шифокор етишмайди. Ҳудудда қўшимча 18 та оилавий поликлиника ва 30 та оилавий шифокорлар пунктига талаб мавжуд. Ҳар бир оилавий поликлиникага ўртача 25-30 минг нафардан фуқаро тўғри келиши лозим бўлса-да, вилоятда бу кўрсаткич 90 мингтани ташкил этади.

Йиғилишда шу каби муаммолар, мавжуд имкониятлар таҳлил қилиниб, Қашқадарёни комплекс ривожлантириш ва аҳолининг ҳаёт шароитини яхшилашга доир устувор йўналишлар муҳокама қилинди.

— Қашқадарёда барча соҳаларда вазият тубдан ўзгариши шарт. Бунинг учун вилоятда ҳамма имконият бор. Ҳамма уйғониши керак, — деди Президент.

Ҳокимларнинг таклифлари ва вилоятдаги муаммоларнинг таҳлилидан

келиб чиқиб, тадбиркорлик асосий йўналиш этиб белгиланди. 2021 йил Қашқадарё вилоятида тадбиркорликни ривожлантириш йили, деб эълон қилинди. Бу борада манзилли ишлаш учун туман ва шаҳарларга вазирлар, тармоқ ва банклар раҳбарлари бириктирилди.

Давлатимиз раҳбари бугунги бозор талаби ва “ўсиш нукталари”дан келиб чиқиб, туманларни муайян иқтисодиёт йўналишларига ихтисослаштириш зарурлигини таъкидлади.

Хусусан, Яккабўғ, Қамаш, Чироқчи, Шахрисабз ва Китоб туманлари боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослаштирилади. Ғузор ва Муборак туманларида нефть, газ-кимё, Чироқчи ва Деҳқонobod туманларида қурилиш материаллари бўйича кўплаб корхоналар ташкил этиш мумкин.

Касби, Нишон, Миришкор ва Косон туманларини чорвачиликка ихтисослаштириб, йирик комплекслар ва кичик бўрдоқчилик фермалари ташкил этиш, озуқа базаси учун ер ажратиш вазифаси қўйилди.

Молия вазирлигига чорвачилик учун ўзлаштириладиган ер, боқилган ҳар бир бош қорамол учун субсидия бериш механизмининг йўлга қўйиш топширилди.

Вилоятда 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган, умумий қиймати 28 триллион сўм бўлган 950 та лойиҳа ишлаб чиқилган. Бу лойиҳалар натижасида 15 мингта янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Камбағалликни қисқартириш, ёрдамга муҳтож ва ишсиз аҳолига даромад манбаи яратиш чоралари қўриб чиқилди.

Мутасаддиларга келгуси йилда 50 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилиш бўйича топшириқ берилди.

Президентимиз аҳолини уй-жой билан таъминлаш, йўллар, ичимлик суви тармоқлари қуриш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Вилоятда марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш даражасини 79 фоизга, хусусан, бу борада вазият оғир бўлган Ғузор туманида 50 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

Ёшлар ва аёллар манфаатларини таъминлаш масаласи чуқур таҳлил қилинди.

— Вилоятда ёшлар билан ишлаш бўйича янги тизим жорий этилади. Ҳокимлар ҳар ҳафтада бир кунни ёшлар билан ишлаш кунини, деб эълон қилиб, уларнинг муаммолари билан шуғулланади, — деди давлатимиз раҳбари.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож 2 минг 815 нафар аёлнинг турмуш шароитини яхшилаш, ишсиз хотин-қизларни “Устоз-шогирд” анъаналари асосида хунармандчиликка жалб этиш чоралари белгиланди.

— Биз танлаган йўл — машаққат йўли. Қашқадарё бўйича улкан режаларимиз бор, жуда катта маблаб бериляпти. Энди энг асосий вазифа ва талаб — шу маблағни тўғри йўналтириб, одамлар манфаати учун ишлатиш, яхши шароит яратиш, — деди давлатимиз раҳбари.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳрининг Наво маҳалласида қурилаётган янги турар жойларни кўздан кечирди.

Бу ҳудудда жами 39 та кўп қаватли уй барпо этилиши режалаштирилган бўлиб, беш босқичда амалга оширилади.

Айни пайтда биринчи босқичда 16 қаватли 3 та турар жой қуриб битказилган.

Қайд этиш кераки, шу пайтгача вилоят ҳудудда 7 қаватдан баланд уй қурилмаган. Шу сабабли бунёдкорликда сейсмология ва архитектура талабларига алоҳида эътибор қаратилган. Сифатли, энергия тежовчи материаллардан фойдаланилган. Хонадонларнинг ҳар бирига алоҳида сув иситиш қозони ўрнатилган.

Давлатимиз раҳбари уйларнинг қурилиш технологияси ва сифатига эътибор қаратди. Ёнгин хавфсизлигини, коммунал хизматлар барқарорлигини таъминлаш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди.

Ҳудуд ободонлаштирилган, болалар майдончаси ташкил этилган. Яна 4 та 16 қаватли уйни келаси йил март ойида фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Шунингдек, 1 минг 680 ўринли мактаб, 2 та мактабгача таълим муассасаси, поликлиника, супермаркет, спорт майдонлари, истироҳат боғи ва бошқа объектлар барпо этилади.

Бу ерда автомобиль йўллари қуриш ва таъмирлаш, Қарши шаҳрида иситиш, ичимлик суви ва канализация тармоқларини модернизация қилиш чора-тадбирлари тақдими ўтказилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятига савфари якунланди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА мухбирлари

Долзарб мавзу

ХАВФСИЗ, ТАРТИБЛИ ВА ҚОНУНИЙ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОРАСИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМЛАР

Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотиға кўра, бугунги кунда сайёраимиз аҳолисининг 270 миллион нафардан кўпроғи ишлаш, ўқиш ёки бошқа мақсадларда вақтинча ўз юртидан бошқа мамлакатларга кўчиб боради. Жумладан, мамлакатимиз аҳолисининг ҳам муайян қисми юртимиздан ташқарида меҳнат қилади. Кўриниб турибдики, миграция билан боғлиқ масалалар бутун дунё мамлакатлари сингари Ўзбекистон учун ҳам жуда долзарбдир.

Шу боис, сўнгги йилларда мамлакатимизда меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоялаш, уларнинг муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда ҳал қилишга кўмаклашиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ташкил этилди, меҳнат мигрантларининг ҳаёти ва соғлиғини сугурталаш, уларнинг оила аъзолари учун ипотека кредитларини ажратиш амалиёти жорий этилди.

Президентимизнинг 2020 йил 15 сентябрда қабул қилинган “Хавфсиз, тар-

тибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги долзарб вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. Қарорда фуқароларни хорижда ишлаш учун ташкиллаштирилган ҳолда юбориш, чет элларда ишлаётган юрдошларимизнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларнинг бандлигини таъминлаш билан боғлиқ муҳим вазифалар белгиланган.

Давоми 2-бетда

Янги Ўзбекистон — янгича дунёқараш

ТЕРМИЗИЙЛАР БЕДОР ЁТГАН ҚЎРҒОНИМ...

Бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юртимизда адабиёт, маънавият, таълимни ривожлантириш бўйича мисли қўрилмаган ишлар амалга оширилмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанс даврини бунёд этиш борасида зиммамизда улкан масъулият бор. Чунончи, давлатимиз раҳбари Қашқадарёга ташрифи чоғида вилоят ёшлари билан учрашиб:

“Мен сизларнинг кўзларингга қараб, очик мулоқот қилгани келдим. Ҳамма ёшлар билан кўришишни хоҳлардим, лекин, афсуски, бунинг иложи йўқ. Сиз уларнинг вакиллари ўрнида жойлардаги муаммоларни, ёшлар истакларини айтишингизни истардим. Шунинг учун кўркмасдан, ўз ота-оналарингга нима дейишни хоҳласаларинг, ҳамма фикрларингизни бемалол айтинглар”, деди.

Давоми 2-бетда

Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ СИФАТИГА ЭЪТИБОР

Ҳоким бир кунини мактабга бағишлади

Ўзбекистоннинг қисқа муддатларда ривожланган давлатлар қаторидан жой олишини таъминлашда мактабларда берилаётган таълим-тарбия ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Негаки, чуқур билим ва ҳаётий кўникмаларга эга бўлган, интеллектуал ривожланган ўғил-қизларни тарбиялашда мактабнинг ўрни бекиёс. Айниқса, пандемия шароитида ёшларга таълим-тарбия бериш бирмунча мураккаблашмоқда. Шу сабабли ҳам бугун раҳбарлар ва мутасаддиларнинг эътибори мактаблар фаолияти ва таълим сифатига қаратилмоғи шарт.

Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов кунини кеча вилоят умумтаълим мактаблари фаолияти билан яқиндан таниди. Мактабларнинг педагогик жамоалари билан мулоқотда бўлиб, уларнинг фаолиятига боғлиқ муаммолар ва таклифларни тинглади.

— Мактаб, таълим-тарбия иши бу фақат шу соҳа вакиллари-нинг вазифаси эмас, — деди вилоят ҳокими. — Бунга катта-ю кичик бирдек эътибор қаратиши, мамлакат келажаги, халқ тақдири илм билан, таълим-тарбия билан боғлиқлигини ҳар бир инсон ҳис қилиши лозим.

Давоми 5-бетда

Долзарб мавзу



ХАВФСИЗ, ТАРТИБЛИ ВА ҚОНУНИЙ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСINI ТАШКИЛ ЭТИШ БОРАСИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМЛАР

Бошланиши 1-бетда

— Ушбу йўналишдаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида тегишли давлат ташкилотлари вакилларидан иборат делегация аъзолари Россияга бориб, ушбу давлатдаги меҳнат муҳожирларини рус тили ва касб-хунарга ўргатиш бўйича ўқув дарслари йўлга қўйиш имкониятларини ўрганди, — дейди Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги бошқарма бошлиғи Абдужаббор Алимов. — Ташриф доирасида Ўзбекистон Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Россия Халқлар дўстлиги университети ҳамда World Skills Russia (Россиянинг ёш мутахассислари) ташкилоти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида уч томонлама меморандум имзоланди. Унга асосан, Россиянинг Москва, Санкт-Петербург, Екатеринбург, Қозон ва Новосибирск шаҳарларида ўзбекистонлик меҳнат мигрантларини рус тили ва касбга ўқитиш йўлга қўйилди.

Ўқув курсларида фуқароларга рус тилини ўргатиш, қурилиш, хизмат кўрсатиш, транспорт ва логистика, техника ва технологиялар, ишлаб чиқариш, автомобилсозлик соҳаларида 25 та касб бўйича ўқитилиши кўзда тутилган. Яъни мигрантлар Россия бозоридagi талаб юқори бўлган, юқори ойлик тўланадиган касбларга ўқитилади. Шу кунгача бир гуруҳ юрtdошларимиз ўқув курсларини тугатиб, малака паспортини олди.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг хорижий мамлакатлардаги вакиллари кўмагида Россияда фаолият юритаётган ана шундай юрtdошларимиздан баъзилари билан боғлиб, мулоқот қилишга муваффақ бўлди. Марҳаматлик 26 ёшли Азиз Собиржонов шу кунларда Новосибирск шаҳрида қурилиш тармоғида фаолият юрляпти.

— Новосибирск шаҳрида сантехника тизимлари муҳандислиги бўйича бепул ўқув курси ташкил этилгани аини муддао бўлди, — дейди А.Собиржонов. — Шу қoққача шу касбни яхши билмаганим учун малакали усталарнинг кўмағига таянишга мажбур бўлардим. Ўқув курсини муваффақиятли тугатиб, гувоҳнома олдим. Бу ҳунар менга доимий ишли бўлиш ва яхши даромад қилиш имкониятини берди.

Айни пайтда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги меҳнат миграцияси соҳасини янада ривожлантириш, хорижий давлатлардаги тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида қатор

лойиҳаларни амалга оширмоқда. Хусусан, Япония билан имзоланган, махсус малакали ишчилар мақомига эга бўлган хорижий меҳнат ресурсларини ишга қабул қилиш тизимини амалга ошириш тўғрисидаги ўзаро ҳамкорлик меморандумига мувофиқ, фуқароларимизни Японияга ишга юбориш тизимини жорий этиш учун Тошкент шаҳрида япон тили ва малака имтиҳонларини ўтказувчи тест марказини очиш режалаштириляпти. Бундан ташқари, Жанубий Корея, Европанинг Польша, Болгария каби мамлакатлари ва бошқа давлатлар билан меҳнат миграцияси соҳасида ўзаро ҳамкорлик кенгайтириш борасида иш олиб боришмоқда.

Хорижда ишлаб, юртимизга қайтиб келган меҳнат мигрантларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятга мослашиши ва бандлигини таъминлашга кўмаклашиш борасидаги ишлар ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда. Бу борада жойлардаги меҳнат органларининг хорижда ишлаб келган меҳнат мигрантларини тадбиркорликка ўқитиш, ички меҳнат бозорига мослаштириш борасидаги фаолиятини ташкил этишига кўмаклашиш мақсадида Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университетида ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган қисқа муддатли ўқув курслари аини муддао бўлди. Яқинда ушбу ўқув курсларини тамомалаган бир гуруҳ меҳнат мигрантлари ва меҳнат инспекторларига сертификат топширилди.

Шофирконлик Бекмурод Қаҳҳоров улардан бири. У бир неча йил Россиянинг Тула шаҳрида паррандачилик фермасининг қурилишида ва қарийб беш йил ушбу корхонада фаолият юрляпти. Ҳозир ватанимизга қайтган юрtdошимиз хорижда орттирган тажрибаларидан келиб чиқиб, юртимизда ҳам тадбиркорликни йўлга қўйиш ниятида.

— Ўқув курсида ўз бизнесимни бошлаш учун кўпгина муҳим маълумотлар олишга муваффақ бўлдим, — дейди Б.Қаҳҳоров. — Айни пайтда ҳонадонимда беш юз бош товуқ боқаялман. МЧЖ ташкил этиб, иш фаолиятини кенгайтирмоқчиман. Бу борада давлатимиз томонидан барча шароитлар яратиб берилаятгани бизни руҳлантирмоқда. Мақсадим бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, янги иш ўринларини очиш, бозорларимизда озиқ-овқат

тўқинлигини таъминлаш, иқтисодиётимизни ривожлантиришга муносиб улуш қўшишдир.

Маълумотларга кўра, 2021 йилда мамлакатимизда 1,5 мингдан ортиқ меҳнат мигрантини тадбиркорликка ўқитиш режалаштирилмоқда. Бу борада ҳудудларда ҳам муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Навоий вилояти филиали бош мутахассиси Анвар Турдиевнинг айтишича, вилоятда жорий йил охиригача 1100 нафар фуқарони чет элда талаб юқори бўлган касб-хунарларга ва хорижий тилларга ўқитиш режалаштирилган. Шу мақсадда Қизилтепа қурилиш коллежи, Навбаҳор туманидаги кўп тармоқли техникум ва олтига маҳаллада ўқув курслари ташкил этилди. Ҳозирги кунда вилоятнинг туман ва шаҳарларидаги аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида меҳнат миграцияси бўйича инспекторлар фаолият юрляпти. Улар томонидан аҳоли орасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида ҳозиргача олти юз нафардан кўпроқ ёш чет элда ишлаш учун рўйхатдан ўтган ва курсларда ўқишга қизиқиш билдирган.

Ҳар бир мамлакатда меҳнат мигрантларини ишга қабул қилишнинг ўз тартиби бор. Масалан, Россияда ишлаш учун патент олиш лозим. Бунинг учун эса Россия қонунчилиги ва рус тилидан махсус сертификат талаб этилади. Россияда бу ҳужжатларнинг ҳаммасини тўғрилаш учун кўп вақт ва анча маблағ талаб этилади. Эндиликда хорижда ишлаш ниятида бўлган фуқароларга рус тили ва Россия қонунчилиги бўйича сертификатни мамлакатимизда туриб олиш имконияти яратилди.

Навоий шаҳрида ташкил этилаётган «Ишга марҳамат» мономарказида ҳам четга ишлаш учун кетадиган фуқароларга касб-хунарга ўргатиш баробарида ана шундай ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқа хизматлар ҳам кўрсатиш режалаштирилган.

Айни пайтда бундай муҳим чора-тадбирлар юртимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилмоқда. Албатта, бу ишлар меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш, меҳнат миграциясини қонуний ва тартибли ташкил этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Интервью

ФАРОВОН ҲАЁТ САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАР

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи воҳада йирик лойиҳаларни амалга ошириш, ташаббусларни рўёбга чиқариш, аҳоли турмуши фаровонлигини таъминлаш борасидаги ишларни жадал давом эттиришда янги босқични бошлаб бериши шубҳасиз. Давлатимиз раҳбари вилоят фаолларига Қашқадарёни ривожлантириш бўйича улкан режалари борлигини, бунинг учун катта маблағ ажратилишини айтди. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида ҳам муҳим топшириқлар берди.



Шухрат ҚУРБОНОВ,
Қашқадарё вилояти бош архитектори:

— Кейинги йилларда вилоятимизда жуда катта қурилиш, ободонлик ишлари бажарилди. Айниқса, бугунги Қарши шаҳри уч-тўрт йил олдинги кўринишидан тубдан фарқ қилади. Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифи доирасида Қарши шаҳрининг “Наво” маҳалласи ҳудудида бўш ётган 22 гектар майдонда қуриляётган “Қарши сити”-

даги турар жой мажмуаси билан танишди. Бу ерда ҳар бири 80 хонадонли 7 та 16 қаватли уй қурилмоқда. Бу ҳудудда 39 та кўп қаватли уй барпо этилиши режалаштирилган бўлиб, лойиҳа беш босқичда амалга оширилди. Айни пайтда биринчи босқичда 3 та турар жой қуриб битказилди.

Президентимиз уйларнинг қурилиш сифати ва

технологиясига алоҳида эътибор қаратиш, ёнгин хавфсизлигини, коммунал хизматлар барқарорлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

“Қарши сити” массиви тез фурсатларда обод бўшага айланади. Бу ерда боғча, мактаб, оилавий поликлиника, савдо мажмуалари ва бошқа ижтимоий объектлар ҳам барпо этилади.



— Бу билим юртига Олий Бош Қўмондоннинг тавсияси асосида ўқиш-

Асатулла МАҲМУДЖОНОВ,
Қарши шаҳридаги олий ҳарбий авиация билим юртининг 2-босқич курсанти:

га кирганман. Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятидаги Темурбеклар мактабига ташрифи чоғида биз билан суҳбатлашган, бу мактаб битирувчилари олий ўқув юртиларига имтиёз асосида ўқишга қабул қилинишини айтган эди. Ана шу имкониятдан фойдаланиб, ўтган йили Қарши шаҳридаги олий ҳарбий авиация билим юрти курсанти бўлдим. Бу ерда ёшлигимдан ҳавас қилган учувчилик

йўналишида тахсил оляпман. Касб сир-асрорларини ўрганиш учун барча шароитлар яратилган.

Куни кеча Президентимиз билан яна бир бор учрашиш бахтига муяссар бўлдим. Учрашувда давлатимиз раҳбари биз, ёшларнинг барча тақлиф ва ташаббусларимиз, гоъларимизни эшитиб, қўллаб-қувватлади.

Мен ўзим тахсил олган Темурбеклар мактаби ўқув-

чиларининг бир гуруҳини авиация соҳасига йўналтириш тақлифини айтдим. Президентимиз бу тақлифимни эшитиб, ёшларга ишониши ва хурсандлигини билдирди.

Албатта, давлатимиз раҳбари бизга катта ишонч билдираётган, имкониятлар, шароитлар яратиб бераятган экан, ўз навбатида, биз ҳам шунга муносиб фарзанд бўлишга интиламиз.



Қаҳрамон МЎМИНОВ,
Китоб туманидаги болалар мусиқа ва санъат мактаби директори:

таклиф ва мулоҳазаларимизни айтиш имконини берди.

Айни пайтда Китоб туманидаги 150 ўринга мўлжалланган болалар мусиқа ва санъат мактабида 310 нафар ўқувчи тахсил олмоқда. Аммо тумандаги мингдан ортиқ ёш ушбу мактабда санъат сирларини ўрганишни истайди.

Мактабимиз 1979 йилда қурилган. 2009 йили 150 ўринга мўлжалланиб қайта реконструкция қилинган. Мусиқа ва санъатга қизиқувчи болалар сони ортиб

бораётгани туфайли муассасамизда қўшимча ўқувчи ўрни очиш зарурати юзага келди. Шу боис, мактабимиз яқинида жойлашган собиқ коллеж биноси янги жиҳозлар, мусиқа ускуналари билан таъминланиб, таълим муассасамиз ихтиёрига берилса, тоғли ҳудудларда истикомат қиладиган иқтидорли ўғил-қизлар ҳам мусиқий тахсил олиш имконига эга бўларди, деган ўй доим безовта қиларди. Давлатимиз раҳбари билан мулоқот асосида шу тақлифимни билдирдим.

Фикр-мулоҳазаларимни эътибор билан тинглаган Президентимиз масъулларга

коллеж биносини ўрганиш ва мусиқа мактабига керакли қолгу асбоблари, жиҳозлар етказиб бериш юзасидан топшириқ берди. Ўша пайтдаги ҳаяжонимни, миннатдорлигимни билдиришга сўз тополмадим. Чунки яна битта бинони мусиқа мактабига айлантириш ва уни жиҳозлаш учун нечоғлиқ катта маблағ ва куч сарфланишини яхши биламан. Шундай бўлсада, давлатимиз раҳбари ёш авлоднинг санъатга ошуфта, юксак маънавият ва гўзал қалб эгаси бўлиб улғайиши учун эътиборни ҳам, маблағни ҳам аямаяпти. Бу эътибор биз, мураббийларни ёшларнинг ноёб иқтидорини рўёбга чиқариш, жаҳон сахнасида юртимиз номини янгратадиган санъаткорлар етиштириш учун тинимсиз изланишга ундайди.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Лутфулла СУВОНОВ ёзиб олди.

Янги Ўзбекистон — янги дунёқараш

ТЕРМИЗИЙЛАР БЕДОР ЁТГАН ҚЎРҒОНИМ...

Бошланиши 1-бетда

Маънавий-маърифий тадбирларда Президентимизнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш, улуг мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ижодий меросини чуқур ўрганиш ва ўргатиш, таълим тизимига ривожланган давлатлар тажрибасида муваффақиятли синовдан ўтган мезонларни татбиқ этиш сингари маърифатпарварлик сиёсати мазмун-моҳияти аҳолининг барча қатламлари онгига чуқур сингдирилди.

Ҳар бир лаҳзани муносиб яшаш, айниқса, жамият, инсоният тақдирига дахлдор сонияларнинг буюк қудрати ва аҳамиятини фавқулодда уйғоқ ички сезгилар билан илғаб, мавжуд имкониятларнинг қадр-қиммати, бетакорорлигини теран идрок этиш, кези келганда, Президентимиз пойдеворини қуяётган Учинчи Ренессанс — Уйғониш даврининг бошланишига туртки берадиган лаҳзаларга наинки гувоҳ бўлмоқ, балки унга муносиб ҳисса қўшмоғимиз керак.

Давлатимиз раҳбари томонидан ўртага ташланган улкан маърифий фўрга асосан, Сурхондарёда уюшқоқлик билан юқори савияда ўтказиляётган “Янги Ўзбекистон — янги дунёқараш” маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари мазмун-моҳиятига ҳам худди шу нуктаи назардан қараш, баайни жараёнда орзикиб қутиляётган буюк сонияга туртки берадиган кунлар, ойларнинг энг аҳамиятли дамларини “ушлаб олиб”, мангуликка муҳрлаб қўйиш... менга, сизга... эҳтимол, кўзи ёниб турган ёшларимиздан бирортасига насиб этар.

Бу борада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси дастлабки қадамларни ташлади. Уюшма раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййид бошчилигида ўтказилган “Янги Ўзбекистон — янги дунёқараш” маънавий-маърифий тадбирларнинг 5 кунлик дебосаси шундан далолат. Зеро, ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, уларнинг ахборот технологияларидан фойдала-

ниш кўникмаларини шакллантириш, китобхонликни кенг тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган 5 та муҳим ташаббус ҳамда амалдаги ислохотларнинг мазмун-моҳиятига ҳамда аҳамиятини халқимизга етказиш, қолаверса, аҳоли қайфиятини кўтариш мақсадида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларга маҳаллий ҳокимлар, прокурорлардан тортиб, фермерлару сувчиларгача, энди савод чиқарган мактаб ўқувчигача бўлган барча қатлам вакиллари иштирок этди. Айниқса, “Маърифат қарвони” келтирган 2000 дан зиёд бадийи адабиётнинг деновлик ҳамда сариосиёлик китобсеварларга беминнат улашилгани катта адабиёт анжуманига айланиб кетган мушоиралар, баҳс-мунозаралар, адабий мавзудаги савол-жавоблар мазмун-моҳиятига ва давраларга кўтаринки руҳ бағишлади.

— Денов туманидаги 91-умумтаълим мактабида ўтказилган дастлабки тадбирга тумонат одам тўпланди,

— дейди таниқли тележурналист Жўракул Турсунов. — Улар адабиётга шеърларга ташна кўнгиллар. Ҳатто ўз муаммоларини айтишга истиҳола қиладиган, самимиятга лиммо-лим соддадил одамлар... Денов тумани ҳокими Рустам Пардаев, Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаев иштирок этган 4-умумтаълим мактабидаги тадбирда сўнгги беш йил ичида жуда кўплаб китоб ўқиган туман прокурорининг китобсеварлиги, билимдонлиги кўриниб қолди. Туман прокурорининг шунча ишдан ортиб, мунтазам китоб ўқишга вақт топиши, тўғриси, мен билган орган ходимлари ҳаётида фавқулодда ҳодиса.

Тадбирда ййилганлар орасидаги энг ёш иштирокчи, 8 ёшли Сайидкамол Сайдуллаев Алишер Навоийдан тортиб, Сирожиiddин Саййид шеърларигача... минглаб мисраларни ёддан билиши билан барчани пол қолдирди.

— Шу ўринда яна бир қизиқ воқеа, — ҳикоя қилишда давом этди Жўракул Турсунов. — Йўлда тўхтаб, фер-

мер хўжалиги даласига сув тараётган бир сувчи акаимизга китоб бермоқчи бўлдиқ, у киши: “Бу китобдан ўзимда ҳам бор, ишонмасангиз, 46-саҳифани очинг, мен севган Ватан ҳақида шеър бор”, деди. Бу нимани кўрсатади — халқимиз адабиётга, сўз санъати, қолаверса, ҳар лаҳзада рўй бераётган улкан ўзгаришларга бефарқ эмас. Деновда ўтказилган “Янги Ўзбекистон — янги дунёқараш” маънавий-маърифий тадбирлари сабаб, бунга яна бир бор амин бўлдим.

Сариосиё туманида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларда ҳам мамлакатимизда амалга ошириляётган кенг қамровли ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти жамоатчиликка таъсирчан усулларда етказилди. Ўқув муассасалари, маҳаллалар, чекка қишлоқлар аҳолиси дунёда, юртимизда рўй бераётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазиятдан хабардор қилинди. Халқ билан самимий мулоқот руҳида кечган учрашувларда, ўзбекона айтганда, аҳоли билан чин дилдан дилтортар гурунглари қилинди.

— Мен раҳбарлик қиляётган мактабда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Саййид билан учрашув бўлиши айтилганида, хурсанд бўлиб кетдим, — дей-

ди Сариосиё туманидаги 67-мактаб директори Тожиiddин Ўзбеков. — Маслаҳатлашиб, камтарона, кўнгилга етар бир тадбир ўтказишга қарор қилдик. Баҳрибайтлар, шеърлар айтилди. Ҳаммага китоблар улашилди. Синфхоналар кўздан кечирилди.

Ҳар бир синфда 250-300 тадан китоб жой олган кутубхоналар ташкил этганмиз. Севимли шоиримиз бундан руҳланиб: “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланишга яна бир бор чин дилдан ишондим. Биз ўқиган даврлардаги мактаблар билан ҳозиргиларини бир-бирига мутлақо қиёслаб бўлмайди.

Навоий бобомизнинг муносиб ворислари бўлмиш бугунги авлод нақадар бахтли. Агар кимда-ким Ҳазрат Навоийнинг 70 та ғазалини ёд олса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг махсус совғаси билан мукофотланади”, деди.

Шахсан Президентимиз ташаббуси билан бошланган бундай улкан маърифатпарварлик барчани руҳлантирмоқда. Ўқувчилар билан ҳассос иждоқорлар ўртасидаги мавжуд бўшлиқнинг бу тарзда тўлдирилиши, шубҳасиз, улкан ҳодиса.

Шухрат АЗИЗОВ



Янгича ёндашувлар

ЭНДИ ҚУРУВЧИЛАРГА БАҲО БЕРИШДА РЕЙТИНГЛАР ҲАМ “ТАПИРАДИ”

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ҳар томонлама мустаҳкам ва чиройли қурилган бинони кўрган кишининг баҳри дили очилади, ҳар гал ёнидан ўтганида шунини лойиҳалаган архитектор қобилиятига таҳсинлар айтади. Аммо бирор бино ёки иншоотнинг сифати ҳаминқадар бўлиб, кўп шикоятлар туша бошласа, калтак айланиб, қурувчининг бошида синади. Шундай эмасми?

Энди лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида рейтинг тизими йўлга қўйилмоқда. Бу билан лойиҳаловчи ва қурувчининг иши бино фойдаланишга топширилиб, ҳамма ютуқ ва камчиликлар юзага чиққач эмас, балки қурилиш-монтаж жараёнида баҳолаб борилади. Бу ҳақда 2020 йил 9 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу меъёрий ҳужжат асосида Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланди.

Рейтинг қайси мезонларга асосан юритилади?

Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингининг ҳисоби Қурилиш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган методикалар асосида юритилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтганлиги, асосий фаолият тури қурилиш-монтаж ишларидан (хизматлар) иборатлиги ҳамда тегишли лицензияга эга бўлганлиги

юридик шахсларни қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингига киритиш учун асосий мезон ҳисобланади. Агар қурилиш ташкилотлари рейтингдан иштиёрий чиқиш тўғрисида ариза берса, ташкилотнинг фаолият тури бошқасига ўзгарса, лицензияси бекор қилинса ёки иши бутунлай тўхтатилса, рейтингдан чиқариб ташланади.

Ушбу қарор билан қурилиш-пудрат ташкилотларининг салоҳияти 71 та кўрсаткич ва 6 та мезон асосида баҳоланади. Ташкилотнинг молиявий кўрсаткичлари, бажарилган ишларнинг сифати, мутахассисларнинг билими ва иш таърибаси, техник база, рақобатбардошлиги қабили шарҳлар жумласидан.

— Мазкур рейтинглар Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан тақдим қилинган иш таърибаси, ходимлар, жумладан, малакали мутахассислар сони, асосий воситалар ҳажми, олинган даромадлар, тўланган солиқлар ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар асосида шакллантирилади, — дейди Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоят. — Қолаверса, Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси томонидан ҳам қурилиш тугалланган объектлар ҳажми, шаҳарсозлик қонунчилигини бузиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисидаги бажарилиши мажбурий

бўлган кўрсатмаларнинг мавжудлиги ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ахборотлар жойлаштирилади. Қолган мутасадди вазирликлар ва идоралар томонидан ҳам керакли маълумотлар тегишли тартибда бериб борилади.

“Шаффоф қурилиш” билан интеграциялаштирилган портал ишга тушди

Рейтинг тушунчаси ҳақида гап кетганда, унинг объективлиги, ҳақонийлиги ва очиқлиги кўпроқ эътибор берилади. Сабаби, бажарилган иш таҳлил қилинганда ёки баерилганда, субъектив эмас, объектив ёндашилиши ва бу кўрсаткичлар барча учун очиқ бўлиши керак. Қолаверса, бугун рақамлашмаган ва интеграция қилинмаган соҳа ривожланишдан орда қолиб кетаверади.



Шу жиҳатлар ҳисобга олиниб, www.reyting.mc.uz портали ишга туширилди. Ушбу дастурий таъминот “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими билан интеграциялаштирилган бўлиб, унга киритилган маълумотлар барча учун очиқдир. Истаган киши ушбу порталга кириб, истаган қурилиш ташкилоти ҳақида ахборот олиши мумкин. Бунинг учун ташкилотнинг 9 хонадан иборат СТИР рақамини киритиш керак. Қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтингига ишончилилик тоифаси “А”, “В”, “С”, “D” категорияларида баҳоланади, ишонч даражаси 1, 2 ва 3 даражада белгиланади. Агар ташкилотнинг ишончилилик даражаси 85-100 фоиз оралиғида бўлса, унга 1-юқори даража берилади ва ААА белгиси қўйилади. Агар пудратчининг олган баҳолари 75-85 фоиз оралиғида тўғри келса, 2-юқори даражага эга бўлади ва унга АА рейтинг баҳоси берилади. Агар кўрсаткичлар 65

Қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтингига ишончилилик тоифаси “А”, “В”, “С”, “D” категорияларида баҳоланади, ишонч даражаси 1, 2 ва 3 даражада белгиланади. Агар ташкилотнинг ишончилилик даражаси 85-100 фоиз оралиғида бўлса, унга 1-юқори даража берилади ва ААА белгиси қўйилади. Агар пудратчининг олган баҳолари 75-85 фоиз оралиғида тўғри келса, 2-юқори даражага эга бўлади ва унга АА рейтинг баҳоси берилади. Агар кўрсаткичлар 65 фоиздан кам бўлса, 3-юқори даража берилиб, А белгиси қўйилади.

фоиздан кам бўлса, 3-юқори даража берилиб, А белгиси қўйилади. Баҳолашдаги В ўрта даражани билдириб, ташкилотнинг иши 55-65 фоиз оралиғида баҳоланади, 1-ўрта даража — ВВВ белгиси берилади. Шунингдек, 35-55 фоиз оралиғида кўрсаткичларга иккинчи ва учинчи ўрта даража баҳоси берилади. С қоникарли даража деб ҳисобланади, D белгиси қўйи даражалар учун қўйилади. 5-20 фоиз оралиғида кўрсаткичлар D белгисининг қўйилишига асос бўлади.

Рейтинг тизими бизга нима беради?

Назорат барча соҳада тартиблиликни белгилаб, ходимлар масъулиятини оширишини биламиз. Айниқса, бу бирор иморат қурилишида жуда муҳим. “Мендан кетгунча, эгасига етгунча” қабилида барпо этилган бинода эртага фарзандларимиз яшаши, таҳсил олиши ёки ишлаши мумкинлигини унутмаслик керак.

— Ушбу рейтинг тизими, аввало, ишга янада масъулият билан ёндашишга ундайди, — дейди Шерзод Ҳидоят. — Сабаби, ишини билиб қилмаса, ташкилотларга қўйиладиган баллар ҳам пастга қараб тушишни бошлайди. Ҳамкасбларидан орда қолаётган пудратчи янада қаттиқроқ ишлашга, натижаларини янада яхшироқ қилишга интилади. Мижозлар ёки буюртмачилар ҳам лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларини шу рейтинг кўрсаткичларига қараб танлай бошласа, соғлом рақобатга ўз-ўзидан йўл очилади ва бу орқали пудрат ҳамда лойиҳа ишлари бозори ривожланади. Қолаверса, ушбу тизим лойиҳа ва қурилиш ишларида марказлаштирилган маблағлардан самарали фойдаланиш бўйича тақомиллашган тизимни жорий этишга ҳамда лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига тўлиқ риоя этилишига олиб келади.

Шунингдек, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида маҳоратли ишчи ва хизматчиларни (кадрларни) тайёрлаш, улар малакасини мунтазам равишда ошириб бориш орқали лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари салоҳияти оширилишига эришилади.

Жараён

Озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти доимий назоратда

Худойберди КАРИМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Шу йилнинг 16 октябрь куни озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш чора-тадбирларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар ҳокимида ҳудуд аҳолисининг кейинги йил май ойигача гўшт, тухум, ун, ёғ, шакар, гуруч, картошка, сабзи ҳамда пиёзга бўлган эҳтиёжи, бу маҳсулотларни қачон, қаердан олиш бўйича аниқ ҳисоб-китоб бўлиши кераклигини таъкидлаган эди.

Давлатимиз раҳбари раислигида ўтган ана шу тадбирда белгиланган вазифаларни сўзсиз бажариш бора-сида Жиззах вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. — Биринчидан, 2020-2021 йил киш-баҳор мавсумида ички бозорини асосий турдаги маҳсулотлар билан кафолатли таъминлаш, бу товарларни захирага жамғариш бўйича вилоят ҳокимининг қарори қабул қилинди ва унга биноан, жами қанча маҳсулот тайёрлаш зарурлигига аниқлик киритилди, — дейди вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича котибияти мудири Ваҳоб Норбоев. — Қишқи мавсум учун ҳаммаси бўлиб 16 минг тонна картошка, 6 минг тонна пиёз, 3 минг тонна сабзи, 2 минг тонна гуруч керак бўлиши ҳомчўт қилинди. Айтишим керакки, вилоятимизда аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун барча имкониятлар етарли. Бунда агрокластерлар, фермер, деҳқон ва томорқа ҳўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотлар муҳим ўрин тутайди. Шунингдек, уларни саноят усулида қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш орқали озиқ-овқат саноа-

ти маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш, охир-оқибатда нархларнинг арзонлашувиغا эришишни ҳам кўзлаб турибмиз.

Вилоятда бугунги кунда қишқи мавсум учун жамғариладиган маҳсулотларни сақлашга мўлжалланган 34,5 минг тонна қувватга эга 59 та замонавий музлаткичи омборхона мавжуд бўлиб, улар ноз-неъматларни қабул қилишга аввалдан тахт қилиб қўйилди. Ҳудудий тайёрлов ташкилотларига захира қилинадиган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун тижорат банклари томонидан кредит маблағлари ажратиб бериш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шароф Рашидов тумани вилоятнинг аҳоли зич жойлашган катта ҳудудларидан бири. Бугун ушбу туманда 225 минг нафардан зиёд фуқаро истиқомат қилади. Шунча одамни қарийб 3-4 ойга чўзилладиган совуқ кунларда зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бу борада мута-саддиладардан фаол ташкилотчилик, аниқ режа билан иш туттиш талаб этилади. Ана шу масъулият туман раҳбарияти, тегишли масъул корхона ва ташкилотлар зиммасига катта вазифаларни юкламоқда.

— Ҳисоб-китобларимизга кўра, қиш-баҳор ойлари учун бизга биринчи галда 3,5 минг тоннадан ор-тиқ картошка, пиёз, сабзи ва гуруч зарур бўлар экан, — дейди туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва ҳокимбағлиқни қисқартириш бўйича биринчи ўринбосари Маъруф Эргашев. — Ушбу маҳсулотларни тайёрлаш, харид қилиш ва сақлаш вазифасини 40 га яқин салохиятли, моддий-техник базаси мустаҳкам, шу соҳада ўзига яраша тажрибага эга бўлган фермер ва тадбиркорларга ишониб топширдик. Шундай бўлса-да, бу борадаги энг залворли юк “Жиззах матлубот тайёрлов”, “Шоҳ таом”, “Чамқок”, “Жиззах нилоҳ инвест” каби МЧЖ ва фермер ҳўжаликлари гарданига тушмоқда. Зеро, бу жамоаларнинг ҳар бири ўз омборларида 200 дан 750 тоннага-лар қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари захирасини яратишга ваъда берган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 октябрдаги “2020-2021 йил қиш-баҳор мавсумида аҳоли ва иқтимоий соҳа муассасаларининг асосий турдаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулот-

лариға бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, Жиззах вилояти бўйича 2020-2021 йиллар қиш-баҳор мавсумида ижтимоий соҳа муассасаларининг эҳтиёжлари учун 451 тонна картошка, 138 тонна пиёз, 140 тонна сабзи, 40 тонна гуруч жамғариш белгиланган. Ушбу маҳсулотларни сотиб олишга жами 28 миллиард 287 миллион сўм, шундан 1 миллиард 758 миллион сўм маҳаллий бюджет маблағлари, 529 миллион сўм бюджетдан ташқари маблағлар ажратилди.

— Туманимизда 26 та давлат мактабгача таълим ташкилоти фаолият юритмоқда, — дейди Шароф Рашидов тумани мактабгача таълим бўлими бош мутахассиси Элдор Соилов. — Уларга 3 та аутсорсинг ташкилоти хизмат кўрсатади. Ушбу жамоалар бугунгача ўз омборларига 88 тонна қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларни жамғариб қўйди. Захирага олинган маҳсулотлар санитария-ги-гиена қоидаларига амал қилинган ҳолда, махсус омбор ва музлаткичларда сақланмоқда.

Таъкидлаш лозимки, жорий йилнинг 22 октябрь куни Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ички бозордаги нарх-наво асоси-сиз ўсиб кетишининг олдини олиш масаласига бағишланган навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда нархлар барқарорлигини таъминлаш ва назорат ўрнатиш мақсадида Бош прокуратура қошидаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан доимий назорат ўрнатилгани, аҳоли зич жойлашган ҳудудлар, шаҳарча, посёлка ва массивларда сектор раҳбарлари томонидан “яшил дўкон”лар ташкил этилаётгани, улар орқали захирага жамғарилган озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини арзон нархларда сотиш йўлга қўйилиши таъкидланди.

Қиш-баҳор мавсуми учун қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш ва мақсадли ишлатилишини ҳамда молиялаштириш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича вилоят ишчи гуруҳи тузилди. Ушбу муҳим масалага оид юмушларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилиши, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, бозорлар ва савдо нуқталарида нарх-навоининг асосий

ошиб кетишининг олдини олиш бора-сида амалга ошириладиган ишлар доимий равишда вилоят ҳокимлиги назоратида бўлади.

Вилоят ҳокимининг қарори билан маҳсулотлар захирасини яратиш ва уни ойма-ой бозорга чиқариш ишларини молиялаштириш мақсадида вилоят ҳокимлиги ҳамда шаҳар ва туман ҳокимлари қошида Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш жамғармаси ташкил этилди. Воҳанинг ўзида етиштириладиган ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмлари, яна қайси маҳсулотларни республикамизнинг бошқа ҳудудларидан келтириш ёки импорт ҳисобидан қоллаш аниқлаб олинди.

Вилоятда 2021 йилнинг май ойига қадар аҳолининг энг зарур 9 хил қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотига бўлган эҳтиёжининг асосий қисми маҳаллий фермерлар ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги корхоналари томонидан қопланиши кўзда тутилмоқда. Зеро, жорий йилда воҳада 213,3 минг тонна сабзавот, 280 минг тонна полиз, 69 минг тонна картошка, 107 минг тонна мева ва 83,8 минг тонна дуқмакли дон маҳсулотлари етиштирилган. Шунингдек, тўқсонбости усулида жами 2026 минг гектарга экилган сабзавот, пиёз ва саримсоқнинг ҳосили ҳам 2021 йилнинг айнаи “илик узилди” даврида истеъмолчилар дастурхонига тортиқ этилади.

Вилоятдаги 9 та пахта ва ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчи корхона қишқи мавсумида 50 минг тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқаришни зиммала-рига олган. Яна 3 та йирк дон ва дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари, бошқа тайёрлов корхоналари эса Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилояти, хориждаги ҳамкорлар билан гуруч етказиб бериш борасида шартномалар тузмоқда. Шунингдек, шакар маҳсулотига бўлган 5,5 минг тонна-лик эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида, бу маҳсулотни хориждан арзон нархларда олиб келиш бўйича манфаатдор томонлар билан музокаралар олиб бориляпти. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қиш-баҳор мавсумида вилоятда аҳолини зарур озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш, уларга арзон ва сифатли маҳсулотлар етказиб бериш учун барча имкониятлар мавжуд.

Тармоқлар ривож



Сердаромад соҳага эътибор ортмоқда

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Уй ҳайвонлари орасида энг тез кўпаядиган жонзот — қуён. Шунингдек, ургочи қуёнларни тўрт ойлигидан бошлаб урчитиш мумкин. Вазни 5 килограмм бўлган битта ургочи қуён йилга 7 мартагача болаёйди ва ундан 42 бошгача насл олса бўлади.

Соғлом овқатланишнинг замонавий тенденцияси ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти-нинг парҳез гўшт истеъмол қилиш меъёри ху-су-сиди тавсиясига асосан, инсон йил давомида истеъмол қиладиган гўшт маҳсулотларининг 5 фоизи, яъни 4,5 килограмми қуён гўшти бўлиши керак. Демак, қуён гўшти истеъмол қилишимиз соғлиғимиз учун ҳам зарур. Чунки қуён гўшти холестерини камлиги билан қўй, мол ва бошқа жониворлар этидан фарқ қилади. Таркибидаги оксилнинг 90 фоизи инсон организм томони-дан тўлиқ ўзлаштирилади. Бундан ташқари, бу жонивор гўштда инсон саломатлиги учун фой-дали бўлган лецитин моддаси мавжуд. Қуён гўшти жигар, меъда, юрак-қон томир тизими касалликлари, қандли диабет, аллергияси бор инсонларга тавсия этилади.

Қуёнчилик тармоғини тубдан тақомиллашти-риш ва тармоқда наслиқли ишларини илмий асосда ташкил этиш борасида мамлакатимиз-да кейинги йилларда кўплаб ижобий иш-лар амалга оширилмоқда. Тармоқдаги илғор тажрибалар барча ҳудудларда татбиқ этилиб, аста-секин натижаси ҳам кўзга ташланмоқда. Биз ушбу соҳани ривожлантириш бўйича Қорақалпоғистон Республикасида олиб борилаётган ишлар билан қизиқдик.

Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашининг 2020 йил 17 июнь кунги йиғилиши баёнига му-вофиқ, 2020 йилда қуёнлар сонини 23 минг 400 бошга, зотдор ургочи қуёнлар сонини 2 минг 300 бошга, шунингдек, 2021 йилда қуён-лар сонини 68 минг 500 бошга, зотдор ургочи-лар сонини эса 2 минг 600 бошга етказиш бўй-ича топшириқлар берилди.

Бугунги кунда Қорақалпоғистондаги 6 та қуёнчилик субъектларида қуёнлар парвариш-ланмоқда. Қуёнчилик соҳасини янада ривож-лантириш мақсадида қиймати 992 миллион

сўмлик, шундан банк кредити ҳисобидан 813 миллион сўмлик 17 та янги лойиҳани ишга ту-шириш режалаштирилган. Натижада 18,8 тонна қуён гўшти, 425 минг дона қуён териси ишлаб чиқарилади ва 31 та янги иш ўрни яратилади.

Қорақалпоғистондаги “Хусаин Абдулла”, “Зарбдор Яшнобод”, “Тўлқон бува”, “Уринбоев Зафар”, “Тенжебаев Онгар”, “Великан” каби фермер ҳўжаликлари қуёнчиликка ихтисос-лашган. Биз Тўртқўл туманидаги “Зарбдор Яшнобод” фермер ҳўжалиги фаолияти билан танишдик.

— Қуёнчилик билан 2017 йилдан буён шу-ғулланиб келаман. Дастлаб фаолиятимизни 10 бош қуён боқибдан бошладик. Бу қуёнлар бир йилда 200 бош етди, — дейди ҳўжалик раҳбари Шарафатдин Содиков. — Бугунги кунда ҳўжа-лигимизда новозеланд оқ зотли 200 бош ургочи қуён боқилмоқда. Бу қуёнлар йилга 4 марта-ба, ҳар туғишда 6-10 қуёни дунёга келтиради. Агар сунъий равишда насл олмақчи бўлсангиз, йилга 6 мартагача болаёйди. Қуёнлар 4-5 ойда 3,5-5 килограммгача вазн олиб, асосан, гўшга мўлжалланган.

— Қуёнчилик жуда сердаромад соҳа, — дея ўз гапида давом этди Шарафатдин ака. — Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъмин-ланган оилаларга тарқатиб берилса, ҳам уларни даромадли қилади, ҳам тез қўнайиб, фойдаси дарров билинади. Бизнинг оиламиз-да 8 киши бор. Бир йилда 120 килограмм қуён гўшти оиламизга бемалол етади. Шунингдек, ҳўжалигимизда қурқа, товуқлар ҳам бор. Бо-зордан умуман гўшт сотиб олмаймиз. Бу ҳам оила иқтисодиёти тежалишига ёрдам беради. Қуён гўшти парҳез ҳисобланиб, соғлиғимиз учун жуда фойдали.

Қуёнчилик республикамизда энди ривож-ланаётган тармоқ эканини ҳисобга олсак, бу борада аҳоли ўртасида кўпроқ тушунтуриш иш-ларини олиб бориш, унинг фойдали жиҳатлари-ни тарғиб қилиш лозим. Асли даромадли соҳа ҳисобланган қуёнчиликни оммалаштирсак, аҳо-лига, шунингдек, ижтимоий муҳофазатга муҳтож оилаларнинг ушбу соҳа билан шуғулланишга шароит яратсак, албатта, келгусида гўшт тақ-қилигини камайтиришга ва маҳсулот таннархи арзонлашишига эришамиз.



Тараққиёт мезонлари

Мутахассисларнинг маълумот беришича, топографик режа кичик бир ҳудуднинг батафсил кўриниши бўлиб, унда ушбу ҳудуднинг барча объект ҳамда рельефлари рақамли белгилар ва контурлар, муайян бир ўлчов учун қабул қилинган шартли белгилар билан кўрсатилади.

МИЛЛИЙ ГЕОГРАФИК АХБОРОТ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бир неча йиллар олдин Тошкент шахрига меҳмонга келган киши унинг тубдан ўзгарган қиёфасини кўриб, таний олмаётганини ҳайрат билан сўзлаб берарди. Бугун эса одамлар бундай катта ўзгаришларга республикаимизнинг барча ҳудудида гувоҳ бўляпти.

Ҳақиқатан, сўнгги йилларда юртимиз инфратузилмаси кескин ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизнинг ҳар бир бурчагида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, янги мавзелар, туман, ҳатто замонавий шаҳарчалар пайдо бўляпти. Биргина Сергели тумани миносиди қарайдиган бўлсак, охириги 3 йилда ҳудудда 460 та қўп қаватли уй-жой фойдаланишга топширилиши натижасида бу ерга 100 мингдан зиёд аҳоли кўчиб келиб, жами фуқаролар сони 276 минг нафардан ошди.

Бундай ўзгариш ва ривожланишлар, юртимизнинг янгидан пайдо бўлаётган замонавий қиёфаси бевосита географик объекتلарга ном бериш ва уларни қайта номлаш соҳасида ҳам тезкор ва илғор ёндашувларни тақозо этмоқда. Бугун Кадастр агентлиги ҳузуридаги Республика топонимика хизмати томонидан амалга оширилаётган бир қатор вазифалар, хусусан, географик объекتلарга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги тақлифларни экспертизадан ҳамда географик объекتلарнинг номларини давлат рўйхатидаги ўтказиш, давлат реестрини юритиш, географик объекتلарнинг номларини Ўзбекистон Республикаси тарихий ва маданий меросининг таркибий қисми сифатида асраш мамлакатнинг умумий харитасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

9 744 та объект номи давлат реестри базасига киритилди

Бугунги кунда Республика топонимика хизмати томонидан юритилаётган Географик объекتلарнинг номлари давлат реестрида 102 минг 150 та географик объект номи мавжуд. Шундан 2 861 таси маъмурий-ҳудудий бирликлар (вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул), 91 626 таси аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмлари (махалла, кўча, майдон, хиббон, қабристон ва зиёратгоҳ қабилар), 1 707 таси транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектилари (темир йўл станцияси, автостанция, вокзал, аэропорт, кўприк, сув омбори, қудуқ, канал, фойдали қазилма қони, насос станцияси қабилар) ҳамда 5 956 таси табиий объектилар (дарё, қўл, сой, булоқ, тоғ, тор, шаршара, қўл, водий, дара, адир, ариқ, ҳовуз, жарлик, қирлиқ, қоя, тепалик қабилар) номлари ҳисобланади.

— Географик объектилар номларини Давлат реестрига кириштиришда уларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуктаи назардан давлат экспертизасидан ўтказиш ҳамда улар тўғрисидаги



ойлари давомида Республика топонимика хизматида тегишли қарорлар билан тасдиқланган 15 062 та объект номи келиб тушган ва ўрганиб чиқилган бўлиб, шундан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлган 9 744 та ном белгиланган тартибда Географик объектилар номларининг давлат реестри базасига киритилди. 3 366 таси қонун талабларига жавоб бермагани сабабли қайтарилган бўлса, қолган 1 952 таси шу кунларда мутахассислар томонидан кўриб чиқилмоқда.

Қўмитанинг эксперт комиссияси эса 7 мингдан ортиқ географик объект номига оид тақлифлар қўрилиб, 6 602 тасига қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан эксперт ҳулосалари берилди. 320 та ном қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ деб топилиб, қайта кўриб чиқиш учун ҳудудий комиссияларга қайтарилди. Айни вақтда 86 та ном экспертлар томонидан кўриб чиқилмоқда.

Географик объектиларга ном бериш табиий ва тушунарли ҳолат. Аммо мавжуд номларни ўзгартириш, яъни қайта номлаш заруратининг сабаблари кўпчиликини қизиқтиради.

— Географик объектиларнинг аввалдан мавжуд бўлган номларини ўзгартириш (қайта номлашга) га бир қанча омиллар сабаб бўлади, — дейди Ихтиёр Эргашев. — Хусусан, географик объектининг белгиланган мақсади жиддий тарзда ўзгарганда, айрим географик объектиларнинг тарихий номларини тиклаш зарур бўлганда, агар у географик объектиларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келмайдиган қисқартма сўз, рақам ёки сўз би-

рикмаси билан белгиланган бўлса, географик объектиларга қонуннинг 4-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган шахслар исми-шарифини бериш зарур бўлганда ёхуд географик объектиларнинг қонуннинг 4-моддаси еттинчи қисмида назарда тутилган бир хил номлари мавжуд бўлганда, уларнинг амалдаги номларини ўзгартиришга йўл қўйилади. Аммо мазкур жараёнларнинг барини ўзбошимчалик билан эмас, балки аниқ режа ва тартиб асосида амалга ошириш талаб этилади.

Топографик хариталар янгиланмоқда

Бугун барча соҳаларда бўлгани каби Кадастр агентлиги тизимида географик объектиларни аниқлаш, уларни аэро ва космик суратга олиш, тўпланган маълумотлар асосида хариталар тузишда замонавий қуролма ва технологиялардан кенг фойдаланилмоқда.

Хусусан, Миллий географик ахборот тизими инвестиция лойиҳаси доирасида Жанубий Кореянинг Kompsat-3 ва Kompsat-3A сунъий йўлдошлари ёрдамида республика ҳудудини тўлиқ қопловчи космик суратлар олиниб, сўғориладиган ерлар ва аҳоли пунктлари учун 1:10 000 масштабдаги 5 646 та ҳамда республиканинг қолган (тоғ, тоғлол ва қўл) ҳудудлари учун 1:25 000 масштабдаги 3 565 та, жами 9 211 та ортофотоплан яратилди. Айни дамда ушбу ортофотопланлар давлат кадастрлари ягона тизимининг картографик асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

■ Бугунгача ушбу веб-порталга жами **57 979** та ном тўғрисидаги маълумотлар юкланган бўлиб, шундан **13 047** таси аҳоли пункти, **6 340** таси маҳалла, **33 196** таси кўча ва **5 396** таси табиий ҳамда техник инфратузилма объектилари тўғрисидаги ахборотдир.

олиш ва сақлаш тартиби ҳамда геодезия ва картография соҳасидаги давлат сирларини сақлашни тавминлаш бўйича рухсат бериш тартиботлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори талаблари асосида жами 9 211 та ортофотоплан тўлиқ очик фойдаланишга келтирилиб, Миллий географик ахборот тизимининг map.geportal.uz веб-порталига мунтазам жойлаштириб борилмоқда.

Бундан ташқари, 2017-2020 йилларда республикамиз ҳудудида 108 та шаҳар ва туман марказининг 1:2 000 масштабдаги 5 830 та топографик режаси, 143 та туманининг 1:10 000 масштабдаги 5 531 та қишлоқ ҳўжалиги харитаси, республика ҳудудининг 1:25 000 масштабдаги 4 534 та ва 1:200 000 масштабдаги 112 та топографик харитаси рақамлаштирилиб, ягона харита кўринишига келтирилди ҳамда Миллий географик ахборот тизимида картографик асос сифатида фойдаланиш учун топширилди.

Мутахассисларнинг маълумот беришича, топографик режа кичик бир ҳудуднинг батафсил кўриниши бўлиб, унда ушбу ҳудуднинг барча объект ҳамда рельефлари рақамли белгилар ва контурлар, муайян бир ўлчов учун қабул қилинган шартли белгилар билан кўрсатилади. Бундай режалар ер устини инструментал топографик тасвирга олиш жараёни орқали ёки аэросуратлардан фойдаланган ҳолда тузилади.

Топографик харитада эса геодезик пунктлар, рельеф, гидрография, ўсимлик, тупроқ, иқтисодий ва маданий объектилар, йўллар, алоқа, чегаралар, географик объектиларнинг номлари ва бошқа ер объектилари тўғрисидаги маълумотлар кайд этилади. Улар, асосан, ерни масофадан туриб зондаш материаллари бўлган аэро ва космик суратларга дала ва камерал шароитда ишлов бериш орқали яратилди. Ушбу хариталарнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва долзарблиги иқтисодий тармоқларда техник муаммоларни ҳал этишга имкон беради.

Айтиш жоизки, сўнгги вақтларда тизими янада ривожлантириш, геодезия, картография ва кадастр соҳасини тўлиқ рақамлаштириш бўйича Кадастр агентлиги томонидан сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишдаги вазифалардан яна бири — Республика топонимика хизмати томонидан юритилаётган Географик объектиларнинг номлари давлат реестри маълумотлар базасини Давлат статистика қўмитаси маълумотлар базаси билан интеграциялаш ишлари муваффақиятли якунланиб, географик объектиларнинг жойлашган жойи, номи тўғрисида маълумотлар берувчи, фойдаланувчилар учун қулай, номлар бўйича тақлиф ва тавсияларни жойлаштириш имконияти мавжуд бўлган Географик объектиларнинг номлари давлат реестрининг “geonames.uz” ахборот веб-портали ишга туширилди. Бугунгача ушбу веб-порталга жами 57 979 та ном тўғрисидаги маълумотлар юкланган бўлиб, шундан 13 047 таси аҳоли пункти, 6 340 таси маҳалла, 33 196 таси кўча ва 5 396 таси табиий ҳамда техник инфратузилма объектилари тўғрисидаги ахборотдир. Айни кунларда порталга маълумотларни юклаш ишлари фаол давом эттирилмоқда.

Божхона

Замонавий дастур — яширин иқтисодиётга қарши курашишда самарали услуб



Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Сўнгги йилларда юртимизда пул-кредит, валюта, солиқ ва ташқи савдо сиёсати соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шароитлар яратиш ва инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 30 октябрдаги “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун тенг рақобат муҳитини яратиш, солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш ва соддалаштириш мақсадларига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Товарларни ноқонуний олиб киришнинг асосий шакллари ва услублари ҳамда божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш схемаларини аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш божхона органларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ана шу мақсадда ўтказилган тезкор чора-тадбирлар натижасида божхоначилар томонидан 7,7 мингдан ортиқ божхона қоидабузарлиги аниқланиб, қарийб 308 миллиард сўмлик товарларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган. Аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича 262 миллиард сўм қўшимча божхона тўловлари ҳисобланди.

Божхона процедураларини соддалаштириш ҳамда хавф юқори бўлган объектиларда назоратни кучайтириш самараси ўлароқ 461,2 миллиард сўм қўшимча маблағ ундирилди. 104 та ҳўжалик юритувчи субъект томонидан 67,5 миллиард сўмлик имтиёзлардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш ҳолатлари фош этилди.

Замонавий ахборот-коммуникация ютуқлари ва “мантикий назорат” функцияларини жорий этиш орқали товар ва транспорт воситалари устидан назоратни кучайтириш натижасида жорий йилнинг ўтган даврида давлат бюджетига 18,7 триллион сўм божхона тўлови ундирилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 5,7 триллион сўм кўпдир.

Мазкур йўналишдаги ишларда “рақамли божхона” тамойили асосида божхона постлари фаолиятини рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамият касб этяди.

Бу эса товар ва транспорт воситаларини ялпи божхона назоратидан ўтказишдан воз кечган ҳолда, божхона қонунбузилишларини аниқлаш самарадорлигини оширишга олиб келди. Энг муҳими, бу жараёнларда инсон омили сезиларли равишда қисқарди.

— Божхона маъмуриятчилигини соддалаштириш ва енгиллаштириш мақсадида 2020 йилнинг ўтган даври мобайнида 4 та ахборот тизими, 9 та интерактив хизмат амалиёти жорий этилди, — дейди Давлат божхона қўмитаси бошқарма бошлиғи Фарҳод Олимжонов. — Шунингдек, “Ягона дарча” божхона ахборот тизими ташкил этилиб, ўтган қисқа вақт мобайнида ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига ваколатли органлар томонидан 465 490 та рухсатнома берилди.

Жорий йилнинг 27 июль кўни Президентимиз расмийлигиде яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда божхона тизимида доир масалалар ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, инсон омилга чек қўйиш орқали контрабанда ҳолатларини устидан божхона назоратини кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Президентимизнинг жорий йил 5 июндаги “Божхона маъмуриятчилигини ислох этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони божхона органлари томонидан контрабандага қарши курашишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур фармон билан божхона органлари фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ўз ичига олган 2020-2023 йилларда божхона маъмуриятчилигини ислох қилиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш концепцияси тасдиқланди.

Концепцияга биноан, контрабанда ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига қарши курашиш асосий йўналишлардан бири бўлиб, бунда ички бозорни ҳимоя қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш, чегара ҳудудларида назоратни кучайтириш, контрабанда ва божхона қонун ҳужжатлари бузилишига қарши курашиш, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Шу мақсадда фармонга биноан, Давлат божхона қўмитаси тузилмасида умумий штат бирликлари доирасида Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бошқармаси Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бош бошқармаси этиб қайта ташкил этилди ҳамда унга бир қатор қўшимча вазифалар юкланди.

Шунингдек, 2021 йил 1 январдан эътиборан, жорий этиладиган “Божхона аудити” ахборот тизимининг ишга туширилиши яширин иқтисодиётни қисқартиришда ва тадбиркорларга қулайликлар яратишда муҳим аҳамиятга эга.

■ **Божхона хизмати органлари божхона назорати шакли сифатида товарлар чиқариб юборилгандан кейин ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари фаолиятини баҳолаш ҳамда уларнинг товарлар ва транспорт воситалари чиқариб юборилгандан кейинги ҳисобини текширишни назарда тутувчи божхона аудитини амалга ошириш вазифаси юкланди.**

Эндилиқда эркин муомалага чиқарилган товарлар доирасида божхона назоратидан кейинги текшириш “Божхона аудити” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, божхона аудити АҚШ, Россия, Канада, Япония, Хитой, Жанубий Корея ва Ғарбий Европа мамлакатлари божхона тизими амалиётида кенг қўлланиб келинмоқда.

Божхона тизимида ҳам мазкур амалиётнинг жорий этилиши натижасида юкларни ялпи божхона назоратидан ўтказишга асосланган текширишлардан буткул воз кечилади. Яъни “Хавфни бошқариш” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали “кўк йўлак”га йўналтирилган ҳамда шартли равишда эркин муомалага чиқарилган товарлар устидан самарали назорат амалга оширилади.

Товарлар чиқариб юборилганидан кейин хавф принциплари доирасида уларни комплекс текшириш имкониятининг мавжудлиги товарларни божхона чегарасига кириб келиш ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш жараёнидаги назорат тадбирларини қисқартиришга олиб келади.

Эндилиқда тадбиркор томонидан импорт қилинган товарлар автоматлаштирилган дастур орқали расмийлаштириб, инсон аралашувисиз қисқа фурсатда чиқариб юборилади. Кейинчалик “Божхона аудити” дастури таҳлил усуллари орқали хавф объектининг танлаб олиб, текшириб кўриш юзасидан топшириқ беради. Ҳақол тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиш, товарларнинг божхона назорати ва расмийлаштирувига сарфланган вақтни қисқартиради. Ақсича, қонунчилик талабларини бузишга уринган ноҳақ тадбиркорлик субъектларига нисбатан тўлақонли божхона назоратини назарда тутяди. Бу эса, ўз ўрнида, яширин иқтисодиётни қисқартиришга ва олдини олишга хизмат қилади.

Муқаддас қасамёдига содиқ фидойилар

ГУЛЛАР СОЧИБ КУТГАН МАСКАН



Қутлибека РАҲИМБОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

— “Ўзэкспо”га олиб бориб кўрайлик-чи...
— Бунча катта фоиз зарарланиш билан олармикан?
Тез ёрдам машинасига ўрмалаб чиқипман-у , анча вақтдан
буён менга жой излаб касалхоналарга кўнғироқ қилаётган
шифокорларнинг гап-сўзларини элас-элас англайман. “Демак,
“Ўзэкспо”га кетяпман”. Бу ном билан бирга вужудимда
оғриқдан бошқа яна бир туйғу уйғонгандек бўлди. Ахир худди
шу масканда Президентимиз 8 март — Халқаро хотин-қизлар
кунида байрам тантанасини ўтказиб берган эди. Ушанда
менинг олдимга телевидение учун интервью олгани келган
журналистга:
— Шифтда минг турли жонли гуллар, столимизда бўйдор
гулдасталар, тўрт тарафимиздан гуллар ифори гуркираяпти.
Шундай чаманзор ичида ҳозир ҳар биримиз ўзимизни гулдай
қилаямиз, — деган эдим ва бу айтганларимда заррача
муболага йўқ эди.

Ноз-неъматлари бекаму кўст дастур-
хонлар, эшикдан кириб келишимиздан
ҳар бириимизга кўрсатилётган иззат-қир-
мон, хонандаларнинг хониллари, ҳам-
масидан аввал Президентимизнинг она,
аёл, опа-сингил ўрнида кўриб, бизга йўл-
лаган табриклари... Буларнинг ҳаммаси
ўша пайтда ўзимизни ўзимизга чиройли
кўрсатаётган эди. Жамиятда кадримиз
борлигини ҳис қилиб, қаддимиз кўтарил-
ган бетакор онлар эди...

— Зарарланиш олтиш фоиз экан.
Бундай катта зарарланишни қабул қила
олмаймиз, биласизлар-ку.

Кимнингдир (албатта, шифокор бўлса
керак) кесиб-кесиб гапирган овозидан
аҳолисини унуттираёзган хотиралар со-
чилиб кетади. Демак, манзилга етиб ке-
либмиз.

Боядан бери шифохоналардан жой
излаётганда ўзини Юсупов дея таниш-
тираётган тез ёрдам враччи машинадан
пастта тушган ва мени шунча катта фоиз
ўпка зарарланиши билан қабул қилишни
истамаётган қабул бўлими шифокорлари
билан музокара олиб борарди. “Яхши ин-
сон экан, касал бўлган бир сенми”, деб
қайси жой индамай олса, ўша ерга таш-
лаб кетаверса бўлади-ку, дея миннатдор
бўлиб қўяман шифокордан. Гап-сўз қўпа-
йиб кетди, шекилли, кўринишидан ҳозир-
гача келиб-кешиб турган шифокорлардан
лавозими юқориқоқдай кўринган бир нур-
ли чехрали инсонга юзма-юз бўлдим.

— Врачларимиз сизни хоҳламагани-
дан эмас, ўпкангизда зарарланиш да-
ражаси юқорилигидан қабул қилмаяпти.
Агар нафас олишингизда муаммолар ку-
чайиб кетса, бизда баъзи бир зарур аппа-
ратлар етишмаслиги мумкин...

Қаерда эшитганман бу мулоийи овози-
ни? Салобатли ва айни дамда меҳрли...

— Шу ёшимгача ўпкамда бирор мар-
та ҳам муаммо бўлмаган. Менинг бошқа
оғир касалим ҳам йўқ. Хўжайинимни ши-
фохонага ётказамиз деб, ўзим касаллан-
ганимни сезмай қолибман. Илтимос, мен
шу ерда қолай, бирор муаммо тўғилса, ўз
гардинимга опаман...

Чехраси, овози таниш туюлаётган шу
шифокорга умид илларим билан ёпишиб
опаман.

— Улуғбек Абдуғафурович!

— Ўртоқ Расулов!

Рўпарамдаги шифокорни йўқлай бош-
лашди. Хотирам тинчлашди, ахир
бу киши Ўзбекистон Миллий универси-
тетининг фидойи домлаларидан бири,
бир умр шу дорилфунунда ҳалол хизмат
қилиб, қанча йигит-қизларнинг қалбини
адабийётга муҳаббат билан зийнатлаган
Абдуғафур Расуловнинг ўғиллари эмас-
микан? Чехрасидан шундоқкина домла-
нинг чехраси, товушидан овози келиб
турибди-ку.

— Сиз Расулов домланинг ўғиллари-
сиз, — дейман яна бир умид риштаси
пайдо бўлганидан суюниб. Шифокор ку-
лимсираб бош силкиди. “Отамни кўрган
кўз”, деган қадим аънања тўғайлими ё
ўзи ишимни Аллоҳ ўнгладим, бу ёғи тез-
лашди кетди. Беш-ўн дақиқалар ичида
“Ўзэкспо-марказ”нинг жонлантириш бўли-
мига жойлаштиришди.

Атрофни қузатиш, у ундай экан, бу
бундай экан, дейишга ҳолим бўлмаса-
да, бир пайтлар гулзорга қиёсланим
мухташам маскан тақдир тақозаси билан
узун йўлак ва пардалар билан тўсилган
икки кишилик бўлмалардан иборат ши-
фохонага айланганини сездим. Кимдир
йўталади, кимдир инграр... Махсус химоя
кийимидаги шифокорлар қаоталарга ора-
сида учди юриб хизмат қилаётгандай
эди. Қисқачина суриштирувдан сўнг дар-
ров муолажани бошлаб юборишди. Том-
чи укол остида ётар эканман, гаройиб
бир ҳодисани ҳис этдим. Йўқ, ҳис этдим
эмас, аниқ кўрдим. Бош томонимда олов
ёнди, худди бир пайтлар ишлатганимиз
қора чироқдан келадигандек ёқимсиз ёғ
ҳиди анқиди. Бурнимни бекитая деса-
м, ҳамшира қиз томиримга зўрга тушган,
нинанинг томирдан чиқиб кетишидан
ҳадиксираб, нохуш ҳидга чидаб ётдим.
Олов анчача ёниб турди, кейин пи-
силлаб ўчди, тутун кўтарилди, димоғим
ачишди. Бир пасдан кейин бу ҳолат яна
такороланди. Шу аснода миямга бир
фикр урилди: “Сафарим охирагача ўх-
шайди. Бу опову тутунлар бежиз кўрин-
маётгандир. Ахир, не-не имкониятга эга
инсонлар бу балои азим чангалидан ку-
тула олмай, омонатини топширди. Улар-
нинг олдида мен ким бўлибман? Фақат
анчадан бери бора олмаган тугилган

жойимга бир марта бориб ота-онам қа-
бини зиёрат қилишга улгура олмадим-да.
Армоним шу.

Фарзандларим, худого шукр, бундан
бўёғига ўз араваларини ўзлари торта
олади, иккови ҳам олий маълумотли,
иши бор. Умр абадий эмас-ку”... Хаёлим-
дан ўтаётганлардан тасалли топишга
уринардим. Барибир тинимсиз айнаёт-
ган кўнглим, ҳолсизликка қўшилиб ичим-
да нимадир “жаз-жаз” ачишарди. Ахир,
хаётни ташлаб кетиш осон эканми? “Йўқ,
мен нопа қилмаслигим, нолимаслигим
керак”.

Яна ўйлай бошладим. Ахир, кимдир
кўрмагани мен кўрдим-ку, кимдир ет-
маганга мен етдим-ку. Мамлакатимиз
раҳбари Ўқитувчи ва мураббийлар куни
муносабати билан видеоселектор ўтказ-
ди. Бир гуруҳ ёзувчилар қатори мен ҳам
бу йиғилишда иштирок этиш шарафига
муяссар бўлган эдим. Ўзимча “видо фур-
сатлари” деб тахминлаётган бу онларда
нимага ўша йиғилишни эсладим? Чун-
ки бу йиғилиш мени юрагимнинг туби-
да қатланиб ётган армонларим рўёбига
яқинлаштиргандай бўлган эди. Мен иш
фаолиятимни мактабда — муаллимлик-
дан бошлаганман. Орзуларим пўчилигини
билгач, кейинчалик матбўтга ўтиб кет-
гандим. Тўғрироғи, матбўтда мактабга
қараганда кўпроқ ижтимоий юк тортишга
имконим бўлади, деб уйлаганман.

Муаллимлик фаолиятимнинг бир-икки
ойидаёқ таълим сифатининг ниҳоятда
пастлиги, бир синфда бор-йўғи уч-тўрт-
тагина боланинг яхши ўқиси, қолганла-
рининг шунчаки келиб-кетишини билга-
нимда, ўқитувчилару ўқувчилар қолхозу
совхозларнинг текин хизматкорлари эка-
нидан ич-ичимдан ҳақоратланганимда,
мактабларда олтин, қумуш медаллар
сотилаётгани, институт, университетлар-
га кириш учун тарозининг иккинчи пал-
ласига билим эмас, пул қўйилаётганини
аниқ сезганимда ёмон исёнга келганман.
Қаршиликнинг ҳар қандай йўллари
ўйланганман. “Ҳамма биладиган сир” (по-
рахўрлик ҳақида), “Дилдаги кишан” (та-
магирлик ҳақида) каби қатор макталар
ёзганман. Аммо аниқ манзил кўрсати-
лмаган (манзилли танқидий мақола ёзиш
учун биз ўша пайтлари қонун билан хи-
момланмаган эдик), бу макталардаги
дардларим сувга тушган тошдек чўкиб
кетган...

Мен Президентимиз ўтказган тарихий
видеоселекторда ўтириб, ўша йилларим
ҳақида ўйладим: “Энди ҳаммаси бошқа-
ча бўлади, қани эди вақтни орқага қайта-
ришининг иложи бўлса, ҳеч бўлмаса қирқ
ёшда бўлиб қолсам, яна мактабга қай-
тардим. Ўзбекистонда Учинчи Ўйғониш-
ни яратадиган болаларга дарс берардим.
Майли, ҳозирги имкониятим билан ҳам
бир нарсаларга ярайман”, деб ўзимга та-
салли бергандим.

Яхши гап яхши-да, барибир. Қадрдон-
ларим бирин-кетин кўнғироқ қила бош-
лади. Боя олов кўрингандан сўнг миямга
келган ваҳима сал нари кетгандек бўлди.
Мунаввархон обуна масалалари билан
виловятда юрган эди:

— Опа, касалга ён берманг, бор бар-
дошингизни юрагингизга тўплаг; мен эр-
тагаёқ Тошкентга қайтаман, нима муам-
мо бўлса, бирга ҳал қиламиз, — деди
ҳар домғидаги фидойи, жоннисор... Сўнг
журналимизнинг бош муҳаррири ўринбо-
сари Махмуда Саъдуллаева, кейин ўртоғи
Мухтарам Улуғова...

“Нима керак бўлса, тортинмай айта-
веринг...”, деган самимий гапларидан
кўнглимга ёруллик ингандек эди. Би-
ринчи кечага шу қайфият билан кир-
дим. Эрталабдан бошим зил-замбил,
кўнглимнинг айниши ўша-ўша эди.
Ухладимми, ухламадимми, билолмас-
дим. Чунки тепада чироқ ёниб турар,
бурнимизга ингичка системасимон на-
рса уланган, кислород идишидаги
сув овоз чиқариб пириллаб айланар,
тунги врач, ҳамшира, санитарлар йў-
лак бўйлаб тинимсиз юришар... Тушу-
ниб турардим, бундан бошқача бўлиши



мумкин эмас, ҳамма ўз ишини бажар-
япти. Жуда қисқа фурсатда мана шун-
чалик шароит яратилганига ҳам минг
марта шукр қилиш керак аслида...

— Энди мана бу дугонангиз билан
ётасиз, — деди фаррош қиз нарсала-
римни эпчиллик билан бошқа хонага
жойлаштирар экан. Шеригимнинг таниш-
қоли йўқ, тинимсиз йўталиб ётарди.
“Авалли жойим сал тинчроқкимди”, деб
ўйлаётганимда, яшил кўзли зирак таққан,
бошига ҳам яшил қалпоқ кийган, чиройи
ниқоб остидан ҳам билиниб турган ёшги-
на аёл ёнимга келди. Йўқ, аввал қув-қув
йўталаётган қўшним олдида бориб: “Йў-
талдан кўрманг, шу тарзда ўпкангиздан
балғам чиқиб кетади”, деди-да, кейин
менга юзланди.

— Журналист экансиз-а, менинг ама-
ким ҳам журналист эдилар. “Муштур”
журналида ишлаганлар, — деди. Унинг
овози ҳам жуда чиройли эди, сариёгдек
ёқимли...

— Ким амакингиз? — деб сўрадим.
Ахир, биз бир неча йиллар “Муштур”
журнали билан бир бинода ишлаганмиз,
ўша йилларда ишлаган барча ходимла-
рини таниман.

— Мурод Раҳмон...

— Жуда яхши танирдим. Ҳажвиялари-
ни бир неча марта журналда берганмиз.
Сафарларга бирга борганмиз... — шоша-
пиша изоҳ бераман, гуё бундан бугунгидай
тақдиримда шу исмининг катта аҳамияти
бордек. Аслида айтган гапларимда ёлгон
йўқ эди. Ҳамкасблар йиғилишларига да-
дил-дадил фикрларни ўртага ташлагани
учун ҳам менинг Мурод Раҳмонга эҳтиро-
им ўзгача эди. Аммо бу ёғи хушомадга
ўтиб кетмасин деб бошқа гап айтмадим.

Саидхон менинг даволовчи шифокорим
экан. Тўғриси, кеча даволовчи шифоко-
рим кимлигини ҳам билмаган эдим.
Шунинг учун: “Сизга ким бу дориларни
буюрди?” деб сўраган эди, айта олма-
дим.

— Ўпкангизда зарарланиш фоизи
катта, шунинг учун анчагина кучли до-
рилари буюрман, — деди Саидхон.
Хўжайинимни ётқизганимизда қайсидир
дориларни миллиондан келиб гапири-
шаётган эди, “кучли дори”ни эшитишим
билан: “Ниҳоятда қиммат бўлса, олоп-
маслигим мумкин”, дейишга чоғлана
бошлайман. Ҳолбуки, қизим ҳам: “Ойи,
нима керак бўлса айтаверинг, ҳал қила-
май”, деяпти.

Лекин бировга оғирлигимни туширгим
келмайди, туширсам қийналаман...

— Мен сизга буюрмоқчи бўлган дори-
лар ўзимизда бор, безовта бўлманг, —
дейди Саидхон худди дилимдан ўтаёт-
ганини сезгандек. Наҳотки... наҳотки...
беморга: “Сиздан ҳеч нарса керак эмас,
фақат шифокорнинг айтганига амал қил-
сангиз бас, нима керак бўлса, ўзимиз
қиламиз”, дейдиган замонларга етиб
келдик?! Қўзимдан ёш оқа бошлайди. Бу
ҳолатим ўзимга таниш. Умри давомида
бирор одам каторида кўрмаган бева-
бечораларга давлатимиз томонидан уй бе-

рилганда, уларнинг қувончларини кўриб,
худди ҳозиргидай кўзимдан шашқатор ёш
келган, юртимизда коррупцияга қарши
чинакам уруш очилганда, иш-амали пора
олиш бўлган касларнинг типирчилаган-
ларини кўрганимда, билиб-билмай қил-
ган гуноҳлари учун илплаб панжара ор-
тида ўтирган маҳкумлар авф этилганда...
Бу кўз ёшларимни яхши кўраман, уларни
қалбимнинг туб-тубидаги азиз жойларда
асрагим келади. Болаларимиз халқаро
олимпиадаларда математика, кимё фан-
ларидан олтин, қумуш медаль олиб қайт-
ганида, спортчиларимиз голиб келиб,
Ўзбекистон байрогини боши узара кўта-
риб, майдонларда чопганида ҳам кўзим-
га худди шундай ёш келади. Мен шундай
дамларда ўзимни қудратли юртининг бир
қисмидай сезаман. Аммо шифокорим ти-
нимсиз оқаётган ёшларимни бошқача ту-
шунди, шекилли: “Сиз хижолат бўлманг,
биз одам ажратмаймиз, ҳаммага бир хил
қараймиз. Ҳозир дориларингизни олиб
келади, бир неча кун уч-тўрт флакондан
томчи дори кўямиз. Доридан сўнг бироз
беҳол бўлишингиз мумкин. Ташвишлан-
манг, иштаҳам йўқ, деяписиз, бир қошқ
творогми, икки дона узумми — томоғи-
гиздан нима ўтса, енг...”

Саидхоннинг ниҳоятда эътиборли-
лигидан хаёлан ўзимни унга ишондим.
Кўнглимда “тузалиб кетаман”, деган
ишониш уйғона бошлади. Ёнимдаги аёл
Лутфиниса (тенддош эканмиз) ҳам на-
манганлик экан.

— Қанд касаллигига мойиллигим бор
экан-да, билмай узум еб қўйибман, по-
мидор ейишим керак экан, — деб тинмай
сувени оқишиб помидор эди.

— Менинг ҳам иштаҳам очилиб кетар-
микан? — дея термулсам, “Албатта, мен
ўн кун оғвак ега олмаганман”, дейди. Би-
рики кунда шифохона шароитига мос-
лашдим. Биринчи смена шифокорлари
соат сақизда келади, Саидхон — да-
воловчи шифокор, Гузалой — ҳамшира...
Санитарка, фаррошлар — Сарвиноз, Му-
қаддас, яна кимлардир...

Иккинчи сменача соат тўртда Алишер
Аҳмедов исм-шарифли врач ва Сауле
Ибрагимовна деган ҳамшира келади,
соат ўн иккида ниҳоятда ҳиддий, уна-
мунчага қовғои очилмайдиган Ўткирбек
исмли врач ва Тошпўлат деган медбрат
йигит келади. Фурсати келганида ҳам-
масини алоҳида-алоҳида таърифлагим
келяпти. Чунки менинг шифохонадан
даволашиб чиқишим ва бугун мана бу
сатрларни компьютерда ёзиб ўтиришим
да уларнинг катта ҳиссаси бор. Дарво-
қе, энг асосий гаплардан бирини айтай...
Расулов домланинг фарзанди аржуман-
лари марказининг бош шифокори экан. У
киши ҳам кунда бир бор ҳол сўраб келиб
турди. Илоҳо, меҳнатлари роҳат бўлсин!
Бўлим бошлиғи Жаҳонбеков ҳам бўлма-
лар оралаб юриб, саломатлигим билан
қиқиқиб қўяди.

— Раҳбарларингиз соғлигингизни сў-
раб турибди, яхши, дедим, — дейди бош
шифокор. Демак, ёзувчилар уюмчаси
раиси Сирохиддин Саййид сўраган. Ба-
рака топсин, шунча ишнинг ичида мени
ҳам унутмаганига шукр. Боя айтганим-
дай, муолажалар боис, ўзимга қадрдон
бўлиб қолган инсонлар ҳақида миннат-
дорлик сўзларини изҳор қилмоқчи эдим.

Бу шахсий характерга эга изҳорлар
эмас. Пандемия қутилмаган фалокат
бўлди. Қутилмаганда келган офатдан
инсонларни ҳимоялаш, касаллик юқ-
қанларни даволаш учун ниҳоятда қисқа
фурсатда бу марказга ўхшаган вақтин-
чалик даво масканларини ташкил этиш,
турли мутахассислик бўйича билим ва
қўнималарга эга шифокорларни кўзга
қўринмас офатга қарши тура оладиган
шифокорга айлантириш... Буларни ўр-
тага келтириш озмунча куч, маблағни
талаб қилмайди. Лекин Ўзбекистон бу
ишни уddалаётган экан. Биз, журналист-
лар “Замонамиз қаҳрамонлари”, деб
ёзаётган эканмиз-у, узокдан туриб, бу
қаҳрамонлик моҳиятини у қадар англа-

Тахририят танловига

маётган эканмиз. Ичига кириб билдимки,
муолажа учун сарфланаётган дори-дар-
монлар, беморларга берилаётган уч ма-
ҳал иссиқ овқат, бошқасини айтмаганда
ҳам, кетаётган даста-даста шприцлар,
системалар, ётқ анкомлари... Бунинг
устига, бу марказга ўхшаган қанча ши-
фохоналар ишляпти. Уларга керакли
нарсаларни етказиб бериб турган дав-
латимиз (албатта, бошида турган жон-
куяр раҳбарлари билан бирга) чинакам
қаҳрамон экан. Бу қизил гаплар эмас. Бу
офат чангалидан халос бўлиб чиқаётган
ҳар бир беморнинг дилидан ўтаётган
туйғулар. Айтмоқчиманки, номма-ном
айтаётган таърифларим орқасида жуда
кўп, жудаям кўп инсонлар борки, шунинг
учун изҳорларимни ижтимоий характер-
га эга, дегим келади.

Саидхоннинг ҳақида сўз бошлаб қўй-
ганман. У киши фақат менинг эмас,
бир-бирига “комиссар”, “командир”, дея
(бу шифохона Мудосфаа вазирлигига қа-
рашли экан) мурожаат қиладиган чоп-
ларнинг ҳам узундан-узқ саволларига
эринмай жавоб беради. Шунинг учун
бўлса керак, бу шифокорни фақат бе-
морлар эмас, ҳамширалар ҳам талашар
экан. Имкони тўғилди дегунча, Саид-
хон даволовчи врач бўлган бўлмаларга
ўтиб олишга ҳаракат қилган экан. Бир
сафар ҳамшира Гузалой томирларим
жуда ингичкалиги учун менга қаердан-
дир болаларга қилинадиган “капалак”
шприц топиб келиб укол қилди. Шунда
ҳам баъзан томирим ёрилиб кетар: “Хо-
лажон-эй, яна қўлгингизни кукартиради-
ган бўлдим”, деб узр сўради.

Соат тўртда Саидхондан навбат-
чилики қабул қилиб оладиган Алишер
Аҳмедов бир қарашда қувнок инсонга ўх-
шади. Шеригимга: “Э, тузалиб қолмасиз-
ку, чолингиз тўй қилиб беради борсангиз,
дошқозонда ош дамлаб”, дея ҳазил би-
лан қизиб келади. Яқиндан билсам, у
анча машхур жарроҳ экан, травматолог
бу жарроҳни чет элларга операциялар
учун қақришар экан.

“Жуда ноёб мутахассис экансиз, бу ка-
саллик қўйиб қилишдан чўчимайсизми?”
деб сўрасам: “Бир нечанимга юқди ҳам,
эхтиётимизни қилиб юрамиз. Бу ер жанг
майдонига ўхшайди. Олдиндан бирор
нарсани режалаштириб бўлмайди, шу-
нинг учун бирорта ҳамкасбим давлатнинг
бераётган катта ойлигидан машина ола-
ман ё ҳовли оламан, деган мақсад билан
ишга келмайди. Келдикми, кимнингдир
дардини енгиллаштиришимиз керак”.

У беморларнинг ёнида туриб қолар,
хастани ҳозирги аҳолидан узоқлашти-
руви ҳиқоялар айтарди. Алишер билан
бирга келадиган Сауле Ибрагимовна
аслида эски ТошМИнинг кардиология
бўлимида ишлар экан. У кириб келга-
нда бўлмача чиндан ҳам бир қучоқ нур
тушадиган бўлади. Кўзлари қилиб тура-
ди, кечкурун уқоллардан сўнг эринмай
ҳаммаининг нинадан қўқарган жойларига
йодли тўр қилиб чиқади. Каттароқ қўқа-
ришларга новоканли компресс қилади,
яна ўпкани орқадан массаж қилади. Ва-
зифасини виждонан адо этди, дегани шу
бўлса керак-да. Учинчи сменача келадиган
шифокор Ўткирбек камгап, келиб на-
фас олишимизни ўлқайди. Сатурация де-
йиларкан шифокорлар тилида. “Ўзр, тез
тузалайсиз”, деб қўяди. Медбрат Тошпў-
лат эса саҳардан эрталабки дориларни
томоғкамиз устига олиб келиб қўяди.
Тумбакам бир уринишда тушади, аччимай-
ди, оғримайди. Ўзининг усталлигидан ўзи
манмун бўлиб: “Бопладим-а, буювжон!”
деб қўяди. У тиббиёт академиясини бити-
ряпти, кардиолог бўлмоқчи, насиб қилса,
яхши шойнинг қадрини ўқиди. Сарвиноз, Муқад-
дас, Мухайё... фарзандимиздай беминнат
хизмат қилган яна бошқа санитар қизлар,
ҳаммасига нимадир узатиб, миннатдор-
лик билдиормоқчи бўлсам: “Дуо қилинг, хо-
лажон”, дейди.

Ниҳоят уйга қайтишга шайлана бош-
ладим. Юрагим тез урар, юрсам оёқла-
рим титиради-ю, руҳиятим бақувват эди.
“Албатта, ҳамма айтганларингизни қила-
ман”, дея сўз бердим шифокоримга.

Ун кун деганда, ташқарига чиқдим.
Ўғлим турган жойимни топиб келгунча,
дарактор орасидаги масканга қайта-
қайта қарайдим. Келган чоғимда гуллар
сочиб қутган масканни топа олмай ўкси-
ган эдим. Ҳозир у ерга қараб туриб: “Ҳар
қандай жойининг қадрини унда яшайдиган
одамлар кўтаради, ҳар қандай масканга
шараф бергувчилар у ерда меҳнат қил-
гувчилардир”, дейман манмун шивир-
лаб... Ва мени шифохонага қабул қилган
лаҳзадан бошлаб, сўнгги онларгача са-
ломатлигим йўлида фидойилик қилган
инсонлар, бу ерда беморлиқдан халос
қилиш учун яратилган шароитлар кўз
олдимдан бир-бир ўтар экан, гулларсиз
ҳам энди бу жой қалбимга яқин, жуда
қадрдон туюлади...